

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФЕЪЛЛАРДА ЙЎҚОЛИШ МАЪНОСИНИ ИФОДАЛАШНИНГ СЕМАНТИК ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Маъмурахон Отахонова

Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7709230>

Аннотация: Ушбу мақола тилшуносликнинг муҳим йўналишларидан бири феъл семантикасига бағишланган ва феъл семантикаси тадқиқи юзасидан бажарилган ишлар тарихига қисқача тўхталиб ўтилган. Уларнинг ушбу мавзуга боғлиқ жиҳатлари кўриб чиқилган. Мақолада ўзбек адабий тилидаги энг мураккаб ва кўплаб илмий тадқиқотлар объекти бўлган феъл сўз туркумининг муҳим қиррасига эътибор қаратилган, феъл семантикасига бошқа ракурсдан қараш назарда тутилган. Систем-структур ва когнитив тилшуносликда феъл сўз туркуми, феъл семантикаси тадқиқида янги жиҳат ўрганилган. Феъл сўз туркумининг семантик тадқиқи, феълларни мавжудлик семасига кўра таснифлаш ва контекстуал анализ қилиш мақсад қилиб олинган.

Мақолада ўзбек адабий тилидаги мавжуд эмаслик(йўқолиш) маъносини ифодаловчи феълларнинг қўлланилиш имкониятлари ёритилади ва феъллар мавжудлик хусусиятига кўра таснифланади. Тезкор ривожланишлар даврида ўзбек адабий тили феъллари имкониятларининг яна бир муҳим қиррасига эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: феъллар таснифи, феъл семантикаси, мавжудлик семаси, феълларда йўқолиш семаси, иш-ҳаракат (ҳолат) шахс (ёки нарс)нинг ўзида қоладиган мавжуд эмаслик, иш-ҳаракат(ҳолат) шахс(ёки нарс) устида амалга ошириладиган мавжуд эмаслик.

СЕМАНТИЧЕСКАЯ ПРАГМАТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ВЫРАЖЕНИЯ ЗНАЧЕНИЯ ПОТЕРИ В ГЛАГОЛАХ В УЗБЕКИ.

Аннотация: Настоящая статья посвящена важному направлению языкознания семантике глагола, рассмотрены истории работ по исследованию семантики глагола. Рассмотрены аспекты связанные с этой темой. В статье привлечено внимание к самому сложному и исследуемому объекту семантике глаголов узбекского языка. В статье рассматриваются основные элементы глагола, которое является объектом исследования узбекского литературного языка, предусматривается рассмотрение семантики глагола с другого ракурса. Был установлен новый аспект в рассмотрении к семантике глагола в системно-структурном и когнитивном языкознании. Семантическое исследование глагола, классификация по его семе и контекстуальный анализ является главной целью.

В статье описывается воспользование возможностями глаголов со значением исчезновения и их классификация по значению существования. Выделяется особое внимание еще одному важному сторону глаголов узбекского литературного языка.

Ключевые слова: классификация глаголов, семантика глаголов, значения существования, значения исчезновения, исчезновения остающееся в действие (или лица), отсутствия осуществляемое над действием (или лица).

SEMANTIC PRAGMATIC CHARACTERISTICS OF EXPRESSING THE MEANING OF LOSS IN VERBS IN UZBEKI

Annotation: This article is mainly devoted to the semantics of the verb and it highlights the history of works carried out about the research on the semantics of the verb and in this article their characteristics based on this theme have been investigated. Much attention is paid to the main

characteristics of the verb, which is the most complicated in the Uzbek language and the object of a number of investigations. A new view has been made on the research of the verb and the semantics of the verb.

This article examines the use of the capabilities of verbs with the meaning of disappearance and their classification by the meaning of existence. Special attention is paid to another important aspect of the verbs of the Uzbek literary language in the period of technical and technological developments.

Key words: the classification of the verbs, semantic's the verb, the meaning(seme) of existence, the meaning of disappearance.

Кириш

Маълумки, тил эгаларининг сўзлашув жараёнида ўз фикр ва мулоҳазаларини мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ўша миллат, халқ урф-одатлари ҳамда анъаналарига суяниб ифодалаш кузатилади. Инсон фаолияти маълум миллий маданият, муҳит доирасида кечади. Шу сабабли ҳар қандай турдаги билиш жараёнига оид структуралар, тузилмаларда миллий колорит мавжуд бўлиши ҳам табиийдир. Сўзсиз, инсоннинг инсон сифатида шаклланишининг ўзи ҳам маданият билан боғлиқдир. Унинг нафақат интеллектуал фаолияти, балки оддий ҳаётининг хатти-ҳаракатларининг барчаси ҳам миллий маданият кўзгусида акс топади ва ушбу маданият қонун-қоидалари «назорати»да бўлади. Ҳар қандай маданият атроф-муҳит таъсирида тараққий қилиб, ўзгариб боради. Турли миллатлар маданияти бир-биридан дастлабки ўринда воқеликни моддий ва маънавий ўзлаштиришдаги фарқи жиҳатидан ажралиб туради¹.

Ўзбек халқи тилдаги ҳар бир сўзни қўллаш жараёнида унда ўзлигини, индивидуал имкониятларини қўшиб боради. Шу жумладан, тилимиздаги феъл сўз туркумига оид сўзлар ҳам ўзининг оддий ва нооддий маъно қирралари билан сайқалланиб боради. Айниқса, феълларнинг прагматик маънолари турли нутқ вазиятларида турлича семаларини намоён қилади.

Феълларни мавжудлик семасига кўра оппозитив таҳлил қилиш феълнинг барча семантик-мазмуний гуруҳларини қамраб олади ва ўзига хос гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилинади. Феълларнинг мавжуд эмаслик семаси бирор нарса, ҳодиса ёки жараённинг йўқолиши англатади ва ҳар хил вазиятларда турлича намоён бўлади. Масалан, *туғамоқ* феъли *мажлис тугади* (охирига, ниҳоясига етмоқ); *қудуқнинг суви тугади* (ишлатилиб, сарфланиб тамом бўлмоқ); *саводсизлик тугади* (барҳам топмоқ, йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ) тарзида йўқолиш семасининг турли кўринишларини юзага чиқармоқда. Ёки яна бир феъл – *кўтармоқ* йўқ қилмоқ, йўқотмоқ; “Худо кўтарсин” кўринишида йўқолиш маъносини ифодаламोқда. Яна бир мисол, *сўнмоқ* феълини кўрадиган бўлсак, унинг асосий семаси “ёнмай, ёруғ бермай қўймоқ; ўчмоқ” сифатида юзага келади: Мушакнинг кўк, сарик, қизил шуъалари тупроқ уюмларини, чойхона томларини узоқ ёритиб турди-да, кейин аста сўнди. (С.Аҳмад, Уфқ.) *Сўнмоқ* феълнинг кўчма маънода қўлланилган ўрнида йўқолиш семасининг ўзига хос бир кўриниши намоён бўлади, яъни дастлабки кучи, даражаси, шиддати пасаймоқ, сусаймоқ; ўчмоқ маъноларини ифодалайди: Юракдаги исёнкор туйғулар аста-секин сўниб, ҳаёлини аллақандай маънос ўйлар банд этди. (О.Ёқубов, Эр бошига иш тушса). Шунингдек сўнмоқ феълининг яна бир йўқолиш маъноси вафот этмоқ,

¹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах, 2006 “Сангзор” нашриёти., 92 бет.

ўлмоқ характерида бўлади ва унда ҳам йўқолиш семаси сўзни кўчма маънода қўллаган ҳолда юзага келтирилмоқда:

...Бемор кўз юмади, умри сўнади.(А.Орипов, 12-б.)

Ўзбек тилида кўплаб феълларнинг асосий семаси мавжудлик, пайдо бўлиш сифатида намоён бўлса ҳам, айрим ўринларда уларнинг йўқолиш семаси юзага келади. Контекстда бир ўринда мавжуд эмаслик феъли ўз маъноси билан бирор нарса, ҳодиса ёки белгининг йўқолишини билдирса, бошқа ситуацияда бошқа бир белгининг мавжудлик характери мавжуд эмасликка ўтишига ишора қилади. **Ёзмоқ, битмоқ, саранжомламоқ, сингимоқ, тарашиламоқ** каби феълларда йўқолиш семаси шу сўзни кўчма маънода қўллаш натижасида юзага келади. Масалан, *ўчмоқ* феъли оловга нисбатан қўлланилиб, ёнишдан тўхтамоқ (1) маъноларини билдиради ва унинг мавжуд эмаслик, йўқолиш маъноларини ифодалаш имкониятлари контекстда ойдинлашади:

Шу зарра ғубордан бўлсайдим холи,

Қалбимдан *ўчсайди* шу арзимас доғ,...

(И.Мирзо, 17-б.)

Қишлоққа кечикиб борганда хабар

Изим ўчган бўлар бир кема каби.

(И.Мирзо, 29-б.)

Юқорида келтирилган мисолларнинг биринчисида ўчмоқ феъли туйғуларга нисбатан қўлланилиб, ташвишларнинг йўқ бўлиши, қалбдан энгилликни ҳис қилишни ифодалайди ва иккинчи мисолдан ушбу феълнинг вафот этмоқ, жисман йўқ бўлмоқ маънолари англашилади. Ушбу ўринда маъно кўчишининг синекдоха усулидан фойдаланиб, инсоннинг вафот этиши *изи ўчмоқ* тарзида акс эттирилмоқда.

Кўриниб турибдики, йўқолиш (мавжуд эмаслик) семаси сўзнинг ўз маъноси ёки кўчма маънолари ёрдамида ифодаланиши мумкин. Яъни сўз маъносининг кўчиши воситасида ҳам мавжуд эмаслик юзага келади. Ҳар бир феълнинг семантик структураси ўзига хос, индивидуал кўринишга эга ва бу индивидуаллик кўп ҳолларда метафорик, метонимик кўчимлар воситасида юзага келади.

Қуйида маъно кўчиши воситасида мавжуд эмаслик ифодаловчи феълларнинг айрим гуруҳлари пайдо бўлишини кўриб ўтамиз:

1. Табиат ҳодисалари билан боғлиқ йўқолиш феъллари. Бунда қўлланилаётган феъл содда ёки қўшма феъл тарзида келиб, кўпинча жонлантириш ва метафорик усулда маъно кўчиши билан ифодаланади. Масалан:

Энг аввал уйғонган шошқалоқ юлдузча канал сувига шўнғийди.
(Ў.Ҳошимов, 320-б.)

Куёш уфққа лаб босди. (Ў.Ҳошимов, 310-б.)

Ой ҳам ботиб кетар, олам зимистон...(А.Орипов, 12-б.)

Ушбу келтирилаётган мисолларда шўнғийди, лаб босди, ботиб кетар феъллари йўқолиш маъносини ифодаламоқда. Ушбу феълларнинг бирламчи-денотатив семасида йўқолиш аспекти кузатилмайди. Масалан, “лаб босмоқ” қўшма феъли асосан, ўпмоқ маъноси билан характерлидир. Унинг йўқолиш маъносини ифодалаётганини куёшнинг “ҳаракати”(аслида у ернинг ҳаракати) натижасида кўз ўнгимизда унинг кўринмай қолиши билан изоҳлаймиз. Ушбу ўриндаги маъно нозиклиги шу даражадаки, биз куёшнинг кўздан йўқолиши билан бирга унинг яна қайтадан кўз ўнгимизда пайдо бўлишига ишорани англаймиз.

2. Инсон ҳис-туйғулари билан боғлиқ йўқолиш (мавжуд эмаслик) феъллари:

Алвидо эй хушхаёлларим

Сизни чангдай пуфлаб ўчирдим. (И.Мирзо, 41-б.)

Бу келтирилган мисолда ҳис-туйғуларнинг онийлиги, хушхаёлларнинг омонатлиги ҳам йўқолиш маъноси билан бирга ифодаланган ва уларни худди моддий қобиғи бордай кўрсатилган. Ушбу моддийлаштириш воситасида йўқолиш жараёни аниқ “кўриб, кузатиб” тура оламиз.

Марҳум бўлиб кетди чунончи виждон

Кўз ёши тўкмади биронта инсон.

Кимдир ўқ узибди туриб панада

Меҳр ҳалок бўлди Қўриқхонада. (А.Орипов, 19-б.)

Ушбу мисолда эса туйғуларнинг тўғридан-тўғри инсон кўринишида, жонли мавжудот сифатида намоён бўлаётганини кузатамиз. Марҳум бўлиб кетмоқ феъли фақатгина инсонга нисбатан ишлатилиб, унинг ўлимини, бу моддий дунёдан жисмининг йўқ бўлишини ифодалайди.

3. Ўлим ҳолати билан, инсоннинг жисман йўқ бўлиши билан боғлиқ мавжуд эмаслик феъллари.

Беҳад сабоқ бермиш менга чарҳи дун,

Ўтди Афлотун ҳам, кетди Фаридун. (И.Мирзо, 76-б.)

Хулоса

Кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги феълларда йўқолиш маъносининг намоён бўлиши асосий ва кўчма маънолар орқали юзага чиқади. Шундай экан, йўқолиш маъноли феълларнинг таснифлашни ҳам ушбу феълларнинг айнан денотатив ёки конотатив маъноларда қўлланилишидан келиб чиқиб амалга ошириш жоиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси, Т.: 2001.
2. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг облигатор валентликлари. Т., Фан, 1989.
3. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах, “Сангзор” нашриёти, 2006.
4. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. ф.ф.д. дисс. автореферати., Т.:2005.
5. Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари. ф.ф.н. дисс. автореф.1996.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-II том Т.:ЎЗМЭ, 2007.

Веб саҳифа

1. Плотникова А.М. Когнитивное моделирование семантики глагола. УГУ, 2009, [elar.urfu.ru>bitstream](http://elar.urfu.ru/bitstream)

Бадиий адабиётлар

1. А.Орипов, Талош палласи. Т., Маънавият, 2007 й.
2. И.Мирзо, Мени эслайсанми, шеърлар. Т., Ғ.Ғулом, 2000 й.
3. Ў.Ҳошимов, Танланган асарлар, I том.